ХОНАДОНИНГИЗ БЕЗАГИ
БУЮРТМА БЕРМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ

УЗИЛМАС ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ
ДУНЁНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ КУЧ СИНАШДИ
«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

ЮЛДУЗЛАР «ТИЛГА КИРДИ»
ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 17 (9.820) / 2003 ЙИЛ 24 ЯНВАРЬ

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

**□ КЕЧА Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг четдан ноқонуний йўллар билан олиб келинаётган сифатсиз маҳсулотлар ва контрабандага барҳам бериш ҳамда ички бозорни маҳаллий сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

□ **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университетида Япониянинг «Сумитомо Корпорейшн» фирмасининг стипендиясига сазовор бўлган Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент Давлат техника университетининг 20 нафар талабасига сертификатлар топширилди.

**□ БУГУН Ҳамза туманидаги 156-мактабда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари ташаббуси билан «Гиёвандликка қарши курашишда бирдам бўлайлик» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.**

□ **МИРОБОД** туманидаги «Мингўрик» маҳалласида фаоллар иштирокида уюштирилган тадбир «Обод маҳалла йили» ҳудудий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга бағишланди.

**□ ЮНУСОБОД туманида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан иқтидорли ижодкор ёшлар иштирокида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда ёш қаламкашлар томонидан ёзилган шеърлар, ҳикоялар йиғилиш қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.**

□ **ҲАМЗА** туманидаги қурилиш касб-ҳунар коллежига ташриф буюрган фахрий ўқитувчилар ўқувчиларга ўз ҳаёт тажрибалари ҳақида сўзлаб беришди. Ўқувчилар қўли билан тикилган кийим-кечаклар кўргазмаси йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**Ҳозирги кунда шаҳримизда 394 та уй-жой мулкдорлари ва 3 та масъулияти чекланган жамияти 9019 та кўп қаватли турар жой биноларига хизмат кўрсатмоқда. Улар орасида айни кунларда ўз мақсад ва вазифаларини тўғри англаб, яшовчилар билан ҳамжиҳатликда иш юритиб, уйларнинг ҳолатини яхшилашга, буюртмаларни вақтида адо этишга саъй-ҳаракат қилаётган ширкатлар сафи ортиб бормоқда.**



## Ширкатнинг намунали ишлари

Акмал Икромов туманида фаолият кўрсатаётган «Иқбол-сервис» уй-жой мулкдорлари ширкати ана шундай ширкатлардан саналади. Ушбу ширкат тасарруфидаги 46 та турар жой биносида 2654 та хонадон аъзолари яшашади. Иш бошлаганига икки йилдан ошган ширкат ходимлари яшовчиларга яхши шароитлар яратиш, уларда уй-жойларни асраб-авайлаш, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, мулкка эгалик ҳиссини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада маҳалла ва уй бошқарувчилари билан ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда.

Ширкатда қиш мавсумига тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан ўтказилди. Мавсумда содир бўлаётган айрим носозликларни эса ўз вақтида бартараф этишга имкониятлар етарли. Бу борада ширкат ходимлари ўз малакаларини ишга солишмоқда.

**СУРАТДА: «Иқбол-сервис» уй-жой мулкдорлари ширкати пайвандчиси Алишер Абдуллаев носозликни бартараф этмоқда.**

**Сергей Любчич олган сурат.**

## ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҒОЛИБ ЎЗБЕК ЎҚУВЧИЛАРИНИ ҚУТЛАДИ

**Ҳиндистонда Шанкар Халқаро болалар мусобақаси ташкилотининг 2002 йилги мусобақалари якуни эълон қилинди.**

Жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатида истиқомат қиладиган мактаб ўқувчилари ўз қўллари билан чизган расмлари ва ёзган иншолари билан ушбу мусобақада иштирок этдилар. Мусобақа ҳайъати 160 мингта ана шундай ижод намунаси билан танишиб чиқди. Унинг натижаларига кўра, 1076 нафар иштирокчи ушбу мусобақанинг турли мукофотлари соҳиби бўлишди.

Улар орасида 16 нафар ўзбекистонлик мактаб ўқувчиси ҳам бор. Юртдошларимизнинг ўн беш нафари чизган расмлари учун, бир нафари эса ёзган иншоси учун ғолиблар рўйхатидан жой олиб, мазкур мусобақанинг кумуш медаллари ва ёрлиқларига сазовор бўлди. Таъкидлаш жоизки, 2000 йилда ўн уч нафар, 2001 йилда эса ўн нафар ўзбекистонлик мактаб ўқувчиси ушбу мусобақада ғолиб деб топилиб, танловнинг олтин ва кумуш медаллари совриндорлари бўлишган эди. Бу йил ҳам юртдошларимиз ижодига мансуб иншо ва суратлар «Шанкар болалар санъати намуналари» журналининг 53-нашри саҳифаларидан жой олди.

Яқинда Деҳлидаги муҳташам FICCI Auditorium маданият саройида Шанкар Халқаро болалар мусобақасининг 2002 йилги ғолибларига мукофотларни топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Мукофотларни Ҳиндистон Республикасининг президенти Абдул Калам топширди. Ўзбекистонлик ғолиб ўқувчиларнинг мукофотларини мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси И. Мавлонов тантанали равишда қабул қилиб олди ва Ҳиндистон президентига миннатдорлик билдирди.

Шанкар Халқаро болалар мусобақаси ўзига хос тарихга эга. 1949 йили Шанкар ўзининг Ҳиндистонда чоп этиладиган «Шанкар ҳафтаномаси» номли нашри орқали ёшларга кутилмаган совға сифатида пойтахтда расм чизиш ва иншо ёзиш бўйича болалар мусобақаси ўтказилишини эълон қилди. Унда беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган минг нафар бола қатнашди. Сўнгра ушбу мусобақа дунёнинг барча мамлакатлари болалари учун очиқ, деб эълон қилинди. Шу тариқа Шанкар Халқаро болалар мусобақаси дунё узра тилга тушди. Ушбу халқаро ташкилот 53 йилдан бери жаҳон болалари учун севимли бўлиб қолган мусобақаларни ўтказиб келади.

**Шуҳрат Умиров,**
**«Жаҳон» АА, Деҳли**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Кеча** Республика парламентида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Эксперт Кенгаши ўзгартирилган таркибининг кенгайтирилган йиғилишида ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида фуқаролар мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш, Омбудсман фаолиятини янада кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

● **Бугун** республика Олий хўжалик судида Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2002 йилдаги фаолият якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий низоларни ҳал этишда одил судловни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Кеча** Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Миллий кенгашида ёшлар ўртасида гиёвандликнинг олдини олиш ва ОИТСга қарши кураш масалаларига бағишланган икки кунлик семинар бошланди.

● 2002 йилда оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларини кўзда тутган ҳолда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан «Соғлом оила» республика кўрик-танлови ўтказилганди. Ушбу кўрик-танловнинг бош мукофоти Хоразм вилояти Янгиариқ туманида истиқомат қилувчи Юсуфбой Худойбергановлар оиласига топширилди.

● Республика Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида шаҳримизда «Аграр қонунчилик муаммолари» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

● **Кеча** АҚШнинг «Амери Керс» халқаро мурувват ташкилоти республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига 3,5 миллион долларга тенг мурувват ёрдамини топширди.

● **Кеча** Швейцариянинг Давос шаҳрида Бутунжаҳон иқтисодиёт форумининг дастлабки йиғилиши ва мунозаралари бошланди. Мазкур анжуманда жаҳон иқтисодиёти, бизнес, хавфсизлик масалалари, молиявий соҳа ва технологиялар борасида юзага келаётган муаммолар муҳокама қилинмоқда.

● БМТнинг Жаҳон Озиқ-овқат дастури ва бошқа шунга ихтисослашган агентликлари жаҳон ҳамжамиятини Африка жанубидаги давлатларга тезлик билан моддий ёрдам кўрсатишга чақирди.

● Нидерландиянинг етакчи партияси — Христиан демократик-чақириқ партияси чоршанба куни бўлиб ўтган парламент сайловларида ғалаба қозонди.

● «Рейтер» агентлигининг хабарига кўра АҚШ БМТнинг UNFPA жамғармасига мўлжалланган 34 миллион долларни Афғонистон ва Покистондаги аёллар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш лойиҳалари учун ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

● МДҲ Кубогида иштирок этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси чорак финалда Эстониянинг «Флора» командаси билан беллашиб рақибларини 3:0 ҳисобида енгди ва ярим финалга йўлланма олди.

## Иқтисодиёт

### Буюртмачи талаби асосида

**Хонадонининг ёки идорасининг катта-кичиклиги, қандай пардозланганига қараб мебель сотиб олишни, кўнгилдагидек жиҳозлашни ким хоҳламайди дейсиз?!**

Пойтахтимизнинг Миробод туманида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Сергей Корогодов ташкил этган жамоа мебелсозлари ана шундай буюртмаларни қабул қилиб, сифатли ва ўз вақтида бажариб беришади. Жамоа ташкил этилганига ҳали кўп бўлмасада, бозорни кунт билан ўрганаётган тадбиркорлар янги дизайнлар устида иш олиб бориб, буюртмачи истаган ҳажмда, кўринишда офис, идора, ётоқхона ва ошхона мебелларини тайёрлаб беришмоқда.

— Жамоамиз аҳли 6 кишидан иборат бўлиб, уларнинг барчаси ўз ишининг тажрибали мутахассисларидир, — дейди тадбиркор Сергей Корогодов. — Шу боисдан бўлса керак, буюртмачиларимиз ҳозирги кунгача биз тайёрлаган мебеллардан нолишгани йўқ. Ўтган йилда маҳаллий хом ашё ва тайёр қисмлар ёрдамида 10 миллион сўмлик маҳсулот тайёрладик. Маҳсулотларимиз турлари эса 10 хилдан ҳам ортиб кетди. Цехимиз Россиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Ўтган йилда маиший мебель турларини ҳам ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик.

Хусусий тадбиркор Сергей Корогодов жорий йилда 15 миллион сўмликдан ортиқ буюртмани бажаришни кўзда тутган. Энг муҳими эса ушбу мебель маҳсулотлари талаблар даражасида, харидор диди ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

### Таомга маза киритади

**Ҳар бир таомнинг севиб истеъмол қилинишида, албатта унга маза киритувчи ош тузининг ўзига хос ўрни бор.**

Шаҳримизда ана шу маҳсулотни ишлаб чиқариб, аҳолига етказиб бераётган ўрта ва кичик бизнес корхоналари орасида «Орзу— ош тузи» шўъба корхонасида тайёрланаётган тузлар сифати билан харидорларни мамнун этмоқда.

Корхонада 34 нафар ишчи-хизматчининг баракали меҳнатлари эвазига 4 турдаги — олий, 1-, 2-навли ва «Шифобахш» деб номланган туз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Маҳаллий хом ашёдан ўзимизнинг дастгоҳлар ёрдамида йодланган туз навларини ишлаб чиқараётган жамоа аҳли уни республикамизнинг барча вилоятларига чиқармоқда.

— Ўтган йилда 1600 тоннага яқин маҳсулотимизни харидорларга етказиб бердик, — дейди корхона бош директори Абдул Раҳим Мираҳмад. — Яна бир ютуғимиз харидор талабини ўрганган ҳолда «Шифобахш» деб номланган доривор туз ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Унинг таркиби инсон саломатлигига фойдали саналган укроп, петрушка, селдерей, зира, кориандр ва йод сингари шифобахш ашёлардан иборат бўлиб, айниқса жигар, буйрак хасталиклари билан оғриган беморлар учун фойдалидир.

Шунингдек, тадбиркорлар маҳсулотнинг қадоқланиши устида ҳам мунтазам иш олиб боришмоқда. Германиядан келтириладиган янги дастгоҳ асосида картошка чипсларини тайёрлаш ниятида саъй-ҳаракатлар давом этяпти.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

**• 26 ЯНВАРЬ — ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНИ**

# Истиқболли алоқалар

**Ҳиндистон. Ўзбекистон. Бу сўзлар нақадар оҳангдош бўлса, шу юртлар тарих саҳнасида шунчалар қисматдошдир. Ўзбекистон инсоният тарихининг бир олтин қалъаси десак, ҳеч иккиланмай унинг битта дарвозасини «Ҳинд» номи билан аташимиз мумкин. Айни кунларда ҳинд халқи Ҳиндистон Республикаси деб эълон қилинганлигининг 54 йиллигини кенг нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Бу улуғ шодиёна кунлар арафасида ушбу мухтасар мақола орқали бу юртнинг эришган муваффақиятлари, Ўзбекистон-Ҳиндистон халқларини бир-бирига боғлаб турган ришталар хусусида фикр юритмоқни жоиз деб билдим.**

Ҳиндистон деганда ҳар бир ўзбекнинг кўз ўнгида бобурийлар салтанатининг намояндалари бунёд этган дунёнинг етти мўъжизасидан бири саналмиш Тож Маҳал қасри намоён бўлади. Ундан сўнг эса бу ўлканинг бетакрор санъати, маданияти, гўзал табиати тасаввуримизда уйғонади. Бу мамлакат тарихи бобомиз Бобур Мирзо ва унинг авлодлари номи билан боғлиқлиги биз учун янада аҳамиятлидир.

Жафокаш ҳинд халқи 1947 йилнинг 15 августида мустамлакачилар асоратидан халос бўлди. Лекин ҳинд миллий ҳукумати олдида мустамлакачилик «жароҳатларини» тугатиш, хўжалик ва иқтисодиётни тиклаш, халқ тирикчилигини, шунингдек хотин-қизлар аҳволини яхшилашдек мушкул вазифа кўндаланг бўлди. Дўстлар ёрдами, ҳинд халқининг азму жасорати ва фидокорона меҳнати туфайли ўтган йиллар ичида мамлакатда жуда катта сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Миллий иқтисодиёт барпо қилинди, саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда маданият тараққий этди, меҳнаткашнинг моддий-маиший турмуши яхшиланди.

Аҳолиси 1 миллиард 27 миллион кишидан ортиқ бўлган Ҳиндистон Республикаси ҳозирда кучли ҳарбий салоҳиятга, ривожланган энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик ва савдо тизимига эга мамлакат. Айни кунда дунёда иқтисодий ривожланган ўнинчи мамлакат саналмиш Ҳиндистон яқин йилларда олтинчи ўринга чиқиши тахмин қилинмоқда.

Шундай қувончли сана арафасида халқларимиз ўртасидаги алоқалар ҳақида ҳам фахр билан гапиргинг келади. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида юз йиллардан бери давом этиб келаётган муносабатлар ҳақида Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири Жавоҳарлаъл Неру юқори баҳолаб, «Ўзбек ва ҳинд халқлари қадимдан ўзаро алоқада бўлганлар. Санъат ва маданият соҳасидаги ўхшашликлар, урф-одат, расм-русумлар уйғунлиги, яъни этнографик яқинлик ўзаро иқтисодий ва маданий муносабатлардан дарак беради. Шу муносабатлар туфайли мамлакатлар бир-бирларига ижтимоий-иқтисодий ва маданий таъсир ўтказганлар».

Ватандан, яқинларингдан узоқда ҳатто сенинг юртинг, шаҳринг ҳақида айтилган бир оғиз сўз қанчалар тотли, қанчалар азиз эканлигини хорижда бўлган, ўзида ҳис этганларгина қадрлай олади. Хорижга, айниқса, Ҳиндистонга турли йилларда қилган сафарларим чоғида Тошкент шаҳри ҳақида, Ўзбекистонимиз ҳақида жуда кўп илиқ гаплар эшитганман. 1966 йилнинг 10 январида Тошкентда Ҳиндистон ва Покистон раҳбарлари имзолаган «Тошкент декларацияси»дан сўнг Ўзбекистон пойтахти «Тинчлик шаҳри» сифатида донг таратди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришганидан кейин барча хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Ҳиндистон Республикаси билан алоқаларимиз янги босқичга кўтарилиб бораётганлигининг гувоҳимиз. Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларида дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари ёрқин акс этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йилнинг 3-5 январидаги ва 2000 йилнинг 1-3 май кунлари Ҳиндистонга қилган давлат ташрифлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳиндистон ҳам, Ўзбекистон ҳам минтақада, дунёда тинчлик барқарорлиги учун бир қатор ташаббуслар билан чиқаётган мамлакатлардир. Ҳиндистон ҳукумати Ўзбекистоннинг экстремизм ва терроризмга қарши олиб бораётган амалиётларини, ташаббусларини юқори баҳолаб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати ҳам Ҳиндистон ҳукуматининг тинчлик сиёсатини маъқуллайди.

Икки мамлакат дўстлигидан нишона сифатида пойтахтимиз марказида қад ростлаган меҳмонхонани яхши биламиз. Уни Ҳиндистоннинг «Тата прожект ЛТД» қурувчилари қуришган. Яқин кунларда яна бир уч юлдузли ҳинд меҳмонхонаси фойдаланишга топширилади. Ўзбекистонда ҳинд инвесторлари иштирокида 70 дан зиёд корхоналар барпо этилган. Булардан 24 таси юз фоиз ҳинд сармояси асосида фаолият кўрсатмоқда. Доришунослик, телекоммуникация ва бир қатор бошқа соҳаларда яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Маданий алоқаларимиз ҳам йилдан-йилга кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Санъат ва маданият арбоблари ўзаро фикр, тажриба алмашяптилар, фойдали ва унумли мунозаралар қиляптилар. Ўзбекистонлик олимлар, шоир ва бастакорлар, театр ва кино арбобларининг номи ва улар яратган асарлар Ҳиндистонда маълум ва машҳур бўлиб бормоқда.

Ҳиндистон халқини эса ўзбек урф-одатлари, тарихи, маданияти, Мустақиллик йилларида эришаётган ютуқлари билан таништиришда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармасидаги ҳиндий тилидаги эшиттиришлар бўлими муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Муборак сана арафасида икки мамлакат ўртасидаги истиқболи порлоқ алоқаларнинг ривожланишига муваффақиятлар тилаймиз, юртимизда истиқомат қилиб, алоқаларимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган Ҳиндистон вакилларини ва улар орқали Ҳиндистон халқини улуғ сана билан муборакбод этамиз.

**Аҳмаджон ҚОСИМОВ,**
**Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси, «Осиё» бош муҳарририятининг бош муҳаррири.**

# ШАРАФЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИ ТАНЛОВИ

Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашда маҳаллаларда ташкил этилган милиция таянч пунктларининг ҳиссаси салмоқли бўлаётир. Замонавий усулда барпо этилаётган милиция таянч пунктларида профилактика инспектори ҳамда ички ишлар идораларининг бошқа тармоқ хизматлари билан маҳалла оқсоқоли, посбонлар, тарбиячи-педагог, яраштирув ва келиштирув комиссияси, хотин-қизлар қўмитаси ҳам ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Милиция таянч пунктлари аҳолининг ўзига хос маданий-маърифий масканига ҳам айланаётир. У ерда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш маркази, кутубхона фаолият кўрсатади. Спорт-соғломлаштириш майдончаси эса ёшларнинг севимли дам олиш жойи ҳисобланади.

Профилактика инспекторининг вазифаси жуда шарафли, айни пайтда ўта масъулиятли ҳамдир. Унинг билим ва тажрибаси, касб одоби, муомала маданияти, жонговар тайёргарлиги катта аҳамиятга эга. Бунда Юртбошимизнинг ички ишлар идораларининг энг қуйи бўғини бўлган милиция таянч пунктларида ҳар томонлама етук, халқ билан ишлашга билими, тажрибаси, ақл-идроки етадиган жонкуяр профилактика инспекторлари бўлишига алоҳида эътибор қаратиш борасидаги кўрсатмаларига қатъий амал қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови бу борада тўпланган илғор тажрибаларни тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи якунланди.

Шу муносабат билан пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида профилактика инспекторларининг элимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш борасида маҳалладаги жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларининг ўзига хос сарҳисобига бағишланган тантанали анжуман бўлиб ўтди.

Уни Бош вазир ўринбосари, Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси раиси Ҳ.Кароматов очди. Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат ташкилотлар, хусусан, маҳалланинг аҳамияти беқиёс. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама муҳофазалашни янада мустаҳкамлаш, маҳалланинг ҳаётимиздаги ҳамда ёш авлодни Ватанга садоқат ва муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида камол топтиришдаги ўрнини янада юксалтиришга қаратилгандир.

Тадбирда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани «Феруза» маҳалласидаги 75-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, милиция лейтенанти Ж.Эргашев), Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани «Тонг» маҳалласидаги 46-милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори, милиция капитани М.Асроров), Наманган вилояти Давлатобод тумани «Тўқувчи» маҳалласидаги 3-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Ш.Мукаррамов), Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани «Гулистон» маҳалласидаги 1-милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори, милиция лейтенанти С.Жумамуратов) биринчи ўринни эгаллагани эълон қилинди.

Ғолибларга «Тико» автомашиналарининг калитлари топширилди. Шунингдек, тадбирда «Энг фаол профилактика инспектори», «Энг осойишта ва обод маҳалланинг оқсоқоли», «Энг фаол маҳалла посбони», «Энг фаол педагог-тарбиячи», «Энг фаол вояга етмаганлар билан ишлаш профилактика инспектори», «Энг фаол маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Тадбир санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан ниҳояланди.

**ЎзА**

• ФАРМОН ВА ИЖРО

# Оиласига қайтаётган аёллар

**Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган мустақил давлатимизда демократиянинг умуминсоний тамойиллари устуворлигининг яна бир ўзига хос намойиши, бағрикенглик ва адолатнинг юксак ифодаси бўлди.**

Тошкент шаҳрида жойлашган аёллар колониясида тегишли органлар томонидан мазкур Фармон ижроси бекаму кўст бажарилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ҳужжатга биноан ҳибсхонадаги кўплаб аёллар озод этилиб, оиласи, фарзандлари бағрига қайтаётир.

— Бу Фармон бағрикенглик ва инсонпарварликнинг юксак намунаси сифатида кенг эътироф этилмоқда,- деди Жазони ижро этиш муассасаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича Тошкент махсус прокурори, адлия маслаҳатчиси Баҳром ЭРМАТОВ.

— Дарҳақиқат, халқимизга хос кечиримлилик фазилатига асосланган мазкур Фармон ўзида жаҳондаги демократик ҳуқуқий тажриба ва ўзбек миллий анъаналарини уйғунлаштирганги билан аҳамиятлидир.

Фармонда жазодан озод этилиши кўзда тутилганлар орасида аёлларга алоҳида эътибор берилган. Зеро, аёл ҳар бир оилада хонадон чироғи ҳисобланади. Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ва оқибатда озодликдан маҳрум қилинган аёлларнинг кўпчилиги жазони ўташ жараёнида хатоларини чуқур англаб етишига кўп гувоҳ бўлганмиз. Уларнинг қайта жиноят йўлига кириши камдан-кам учрайди.

Ўтган давр мобайнида Фармон татбиқ этилиши мумкин бўлган юзлаб маҳкумалар озод этилди. Бу жараён давом этмоқда.

— Кеч бўлса-да, кўзларим очилди,- дейди озодликка чиқиш арафасида турган жиззахлик Нигора Салимова. /У 6,5 йилга озодликдан маҳрум этилган эди/ — Бу ерда ўтган 1,5 йилдан ортиқ вақт мен учун катта сабоқ бўлди. Юртбошимизнинг мен каби адашганларга ғамхўрлик кўрсатиб, авф этганлари учун ўзимни юртимдан бир умр қарздорман, деб ҳисоблайман. Яна бир неча кундан кейин уйимга, меҳрибон онамнинг бағрига қайтаман. Ҳалол меҳнат қилиб, жамиятимизга фойда келтириш ниятидаман.

**ЎзА**

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

# «Бунёдкор»да ғолиблар тақдирланди

**Илгари хабар берганимиздек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими қошидаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида икки кун давомида «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори», шунингдек, олий ўқув юртлари, ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар билим юртлари ўртасидаги «Ётоқхона — менинг иккинчи уйим» кўрик-танловининг якунловчи шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**

Шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари билан ишлаш тизими анча яхшиланиб, бу борада бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, маҳалла сардорлари ва посбонлари маҳалла осойиштаилигини сақлашда, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни фош этишда ички ишлар идораларига яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Жумладан, маҳалла сардорлари ва посбонларининг бевосита иштирокида очилган жиноятлар сони 820 та, шундан бевосита ўзлари томонидан очилган жиноятлар сони 279 та, олди олинган жами ҳуқуқбузарликлар сони 21065 та, шундан бевосита ўзлари томонидан олди олинган ҳуқуқбузарликлар сони 16087 тани ташкил этса, 168 нафар сардор ва посбонларга яхши натижаларга эришганликлари учун ички ишлар идораларида хизмат қилишга йўлланма берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарори билан ташкил қилинган ва Тошкент шаҳри маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш, жиноятчилик, гиёвандлик ва диний экстремизмнинг тарқалишининг олдини олишдаги илғор иш тажриба ва услубларини кенг ёйиш, маҳаллаларда осойишталик ва ободонлаштириш ишларини яхшилаш ва масъулиятларини янада ошириш мақсадида, Тошкент шаҳри маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардорлари ўртасида «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори» кўрик-танловининг шаҳар босқичи Тошкент шаҳар ИИББ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимларининг қўшма қарори асосида ўтказилиб, ғолиблар аниқланди.

Шаҳар босқичида, туман босқичида ғолиб чиққан 11 та маҳалла посбонлари сардори ўзаро куч синашди. Улар орасидан тўрт нафари кўрик-танлов ғолиби ва совриндорлари бўлишди. Яъни, Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласи «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори Нурмаҳмат Намозов биринчи ўрин, Сергели туманидаги «Оқибат» маҳалласи сардори Абдулаҳат Аҳмадалиев иккинчи ўрин, Ҳамза туманидаги Аҳмад Назаров маҳалласи посбонлар сардори Баҳром Раҳмат[...] ҳамда Чилонзор туманидаги «Қатортол» маҳалла[...] «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардо[...] Шавкат Норматовлар учинчи ўринни эгаллашди. Ба[...]ча ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар б[...]лан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махс[...] таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, кас[...] ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ шаҳ[...] бўлими кенгаши ташаббуси билан ташкил этил[...] иккинчи танлов юзасидан эса туман босқичида ғол[...] чиққан ҳар бир институт ва касб-ҳунар коллежла[...] ётоқхоналари, ўқувчи-ёшлар уйларининг ҳола[...] шарт-шароитлар ва камчиликлар тўлиқ ўрганиб [...] қилди. Лозим бўлг[...] тақдирда ётоқхонал[...] маъмуриятларига т[...]лифлар берилди. Ш[...]дай қилиб олий ў[...] юртлари ўртаси[...] «Энг яхши ётоқхон[...] йўналишида Шайхо[...]тоҳур туманида[...] Тошкент Ислом ун[...]верситети, «Энг ях[...] Маънавият ва маъ[...]фат хонаси» йўналиш[...]да Юнусобод туман[...]даги Тошкент Ахбор[...] технологиялари ун[...]верситети, «Энг ях[...]хона» йўналишида [...] Ҳамза туманидаги [...] Тошкент Давлат тибб[...]ёт институти бирин[...] ўринларни эгаллади[...]

Ўрта махсус ва касб-ҳунар билим юртлари бўйи[...] ўтказилган кўрик-танловда эса юқоридаги учта йўна[...]лишнинг иккитасида Акмал Икромов туманидаги А[...]ротижорат касб-ҳунар коллежи, Миробод сано[...] касб-ҳунар коллежи эса «Энг яхши Маънавият хон[...]си» йўналиши бўйича ғолиб чиқди.

Ғолиблар ва совриндорларга ташкилотчила[...] ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширили[...] «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлимининг Фахр[...]ёрлиқлари билан тақдирланди.

Ўйлаймизки, ётоқхоналар аҳволи, уларда исти[...] мат қилувчи ёшлар учун яратилган зарур шарт-ш[...]роитлар, сиёсий, маънавий-маърифий, ижтимои[...] иқтисодий, оммавий-маданий, спорт, экология соҳ[...]ларида ўтказилган тадбирлар ва ёшларнинг фаол[...]гини ошириш юзасидан бажарилган ишларни ўрга[...]ниш, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, муаммоларин[...] ҳал этиш, таҳлил қилиш ва илғор тажриба ҳамда н[...]мунали ишларни кенг оммалаштиришдан хайрл[...] мақсадларни кўзлаб ташкил этилган мазкур танло[...]лар кутилганидан ҳам аъло натижаларга эга бўлди[...]

Энг муҳими юқоридаги кўрик-танловлар анъан[...]вий тарзда ҳар йили ўтказилади.

**Дилмурод НУРМАТО[...]**

# Мунажжимлар башорати

**27 январь — 2 февраль**

**ҚЎЙ (21 март — 20 апрель)** — Ушбу ҳафта оғир синовларни бошдан кечирасиз. Касбий фаолиятингизда жуда сустлашасиз. Ўзингизни қўлга олиш имконияти бор. Пул келишини ҳали-вери кутмасангиз ҳам бўлади.

**БУЗОҚ (21 апрель — 20 май)** — Ҳафта боши нохуш кайфият билан бошланади. Ҳафта ўрталарида ҳам бу ҳолат ўзгармайди. Охирига бориб эса ижобий томонга ўзгаради. Касбий фаолиятингизда ҳамкорларга ишонманг.

**ЭГИЗАКЛАР (21 май — 21 июнь)** — Ҳафта сиз учун омадли бошланади. Лекин бунинг ҳаммаси узоқ давом этмайди. Ҳафта ўртасида сизни нохушликлар кутмоқда. Вазиятни асабийлашмасдан тўғри тушунишга ҳаракат қилинг.

**КИСКИЧБАҚА (22 июнь — 22 июль)** — Ҳафта бошида турли «қаҳрамонлик»ларга тайёр туришингиз гумондир. Ҳафта ўртасида эса айни муддао. Турли қарорлар чиқаришга шошилманг, вазиятдан чиқиш йўлини изланг. Касбий фаолиятингизда асосийси — хасислик қилманг.

**АРСЛОН (23 июль — 23 август)** — Ҳафта бесаранжомлик билан бошланади. Лекин иккинчи ярми — турли иқтисодий ва оилавий муаммоларни ечишда қулай кечади. Бу узоқ чўзилмайди, шунинг учун вазиятни қўлдан бой берманг.

**ПАРИЗОД (24 август — 23 сентябрь)** — Ҳафта бошланиши нохуш бўлади. Ўзингизни назорат қила олинг. Кейин лоқас бўлиб, ҳаётдан норози бўла бошлайсиз. Ҳафта тугаши эса янада кўнгилсизлик билан бўлади.

**ТАРОЗУ (24 сентябрь — 23 октябрь)** — Ҳафта сиз учун омадсиз бошланади. Атрофингиздагилар сизга совуқ муносабатда бўлишади. Ақл билан фикр юритинг. Ишхонангизда рақобат ва муаммолар кутилмоқда.

**ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)** — Ажойиб ҳафта бошланади. Ҳафтанинг иккинчи ярми иқтисодий ишлар учун жуда омадли келади. Охирида эса сизни сабабсиз хафагарчилик кутмоқда.

**ЎҚОТАР (23 ноябрь — 21 декабрь)** — Соғлиғингиз ёмонлашуви ва кайфиятингиз туфайли бу ҳафтанинг кўп қисми сиз учун омадли кечмайди. Бизнес соҳасидаги ва ишхо[...]нангиздаги ҳолат айтарли яхш[...] эмас. Дам олиш кунлари мириқи[...] ҳордиқ чиқаринг. Оилангизда тин[...]члик ва тотувлик ҳукм суради.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22 де[...]кабрь — 20 январь)** — Ҳафта бошида кайфиятин[...]гиз тушиб кетиши эҳтимо[...]ли бор. Ўзингизга талабчанро[...] бўлинг. Тез орада ёрқин кунлари[...]гиз бошланади. Келажагингиз учу[...] ҳаракатни бошланг. Изланувча[...] бўлинг. Қўрқмасдан бир нечта[...] ишни бирданига бошлайверинг.

**ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)** — Ҳафтангиз но[...]хушлик билан кечади. Моли[...]явий соҳаларда енгил-елп[...] ўйлаган режаларингиз ва[...] дангасалигингиз туфайли хатолик[...]ларга йўл қўясиз. Масъулиятни ҳис[...] этган ҳолда фаол иш юритинг. Соғлиғингиз безовта қилиши мум[...]кин.

**БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)** — Айниқса иқти[...]содий соҳаларда ҳафта жуда омадли бошланади. Ҳафта ўрталари эса акси бўлади. Асосий[...]си — ўзингизни қўлга олинг. Но[...]хушликларга эътибор бермасликка ҳаракат қилинг, зеро бу ҳол узо[...] давом этмайди.

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Бугунги куннинг мусибатли бўлса, бундан ҳам оғир пайтлар юз берган, улар ҳам ўтиб кетганини ўйлаб, овунишинг керак.

● Донолар айтади: «Тарбияли хотинлар ҳар вақтда қаноатли бўлурлар. Қаноат — етишурлик миқдорига ёки хазинада топилғонига ризо бўлмоқ демакдир. Бу эса эркаклар учун ҳам, хотинлар учун ҳам энг гўзал бир сифатдир. Қаноатлик бир хазинадирки, ҳеч вақт камаймас. Етишур миқдорига ризо бўлмоғон кимса, ертўла бойлиги бўлса, ҳаргиз қаноат қилмас. Демак қаноатсизлик одам боласидаги бир хасталикдир. Ушбу сабаб учун қаноатсизлик ила мубтало бўлган кимса, охиратнинг тўғри йўлидан бир чекка чиқиб, кўп вақт адашиб қолур ва турмушнинг машаққатларига дучор бўлур. Қаноатсиз кишининг ҳожат нарсаси кўп ва кўзи очилиги чексиз бўлғонидан муродини ҳосил қилиш учун ҳам ёлғон сўзлар ила маддоҳлик қилур. Шунга кўра хотинлар эрларининг бор хазиналарига қаноат айламоқлик лозим бўлур.

Агарда одам боласи ҳар вақтда ўзидан бечора ҳолли кимсаларни кўриб турса ва ҳолидан яна бечора ҳолга тушуви мумкин эканини кўнглига келтурса, албатта борига қаноат этажакдир. Қўлига кирган молини эътибор ила тегишличагина сарф этган кимса ўзининг тирикчилигига ҳам рози бўлур, ҳам шукр қилур.

**БАЙТ:**

**Кулфатга тушганда**
**фақат битта йўл,**
**Ғамни ҳеч ўйлама,**
**тетик бардам бўл.**

● Ҳар кимнинг нафси уни чегарадан чиқариб юборса, бу унинг ўлимидур.

● Кишининг ўз нафсидан қочиши шердан қочганидан фойдалироқ.

ҲИКМАТ. Ҳар ким қайсар нафс кўйига гирифтор бўлса, барча балолар остида хор бўлур.

● Тилни ғийбат ва бўҳтондан, ёмон сўздан асраш мардлар ишидир.

● Ғийбатга қулоқ солмоқ ҳам, ғийбатчилик ҳукмидадир.

● Ғийбат ва бўҳтон фосиқлик аломатидир.

**БАЙТ:**

**Ёлғон бевиқор қилур**
**одамни,**
**Ёлғон шармандалар**
**қилур одамни.**

Нормуҳамедовлар ва Муродасиловлар оиласи

**Сотволди**
**ЮСУПОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

---

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

### Муҳаммад Авфий

# Жавомеъ ул-ҳикоёт

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

Таъбирчи шундай деди: «Сен нард ўйнаб ғалаба қилган экансан, у ҳолда мағлуб бўлган кишининг онаси сенинг қўлингга кириши керак».

Аъёш Аҳмаднинг онасини кўрган эди. Чиройли, қадди-қомати келишган аёл эди. Аъёшнинг кўнгли унга мойил бўлган эсада, аммо ҳокимият нуқтаи назардан шикастаҳол бўлиб қолаверган эди.

Аъёш барча аркони давлатини ўзига ҳамроҳ қилиб, Нишопурга юриш қилди ва Аҳмаднинг уйини талон-тарож қилиб унинг онасини олиб кетди.

олиб кетишига қандай йўл қўйдиларинг?»

«Бизнинг хабаримиз йўқ эди. У тўсатдан ҳужум қилди. [...] бизга хабар етгунча у қайтиб кетиб бўлган эди», деб жав[об] бердилар.

Аҳмад уларнинг узрини қабул қилмади. Бир минг икки [...] кишини майдонга чиқариб, бир ҳафтагача шу ерда қимирл[а]май туришни буюрди. Улар Хуросоннинг баобрў шайхлари[дан] Шайх Усмоннинг уйига бордилар. Шайх Усмоннинг қилган ду[о]си ҳаргиз бекор кетмасди. Жамоат шайхдан Аҳмад ҳақида ду[о]ибад қилишни илтижо қилдилар. Шайх дуо қилишни ва[ъда] қилиб, уларни орқаларига қайтарди.

Аҳмаднинг Ромжуз номли хизматкори бор эди. Ромжуз Аъёшнинг орқасидан таъқиб қила бошлади. Аъёш Ромжузга зарба бериб, уни ярадор қилди. Ромжуз енгилиб орқасига қайтди.

Аҳмад ибн Абдулло Нишопурга етиб келгач, минг кишини ажратиб Аъёшнинг кетидан жўнатди ва уни ушлаб келишга буюрди. Аъёш билдики, Аҳмаднинг онаси у билан бирга экан, унинг кетидан аскари таъқиб қилаверади. Шунинг учун Аъёш Аҳмаднинг онасини ўлдирди ва ўзи паноҳ истаб Зайднинг ҳузурига келди ва Табаристонда яшай бошлади.

Табаристонда Ҳусайн ҳукмронлик қиларди. У Аъёшнинг шармандалик ва тубанлик йўлига кириб, Аҳмаднинг онасини бирмунча вақт ўз ҳарамида сақлаб ва ниҳоят, қилич билан чопиб ўлдирганини эшитган эди. Зеро, бундай кишиларга бошпана беришга шариат йўл бермас эди. Аъёшни тутиб, йўл усти га олиб чиқиб осдилар. Аъёшнинг ўзи билан бирга олиб юрган барча накдина ва хазинасини давлат хазинаси ихтиёрига олинди. Аъёшнинг андишасизлик ва шармандалик ишлари ўз бошига етди.

Аҳмад онасининг фожиали воқеасини эшитгач, кўп изтироблар чекди ва йиғлади. Шу ғам-андуҳли мотам кунларининг бирида Аҳмад ўзининг Қатлағ номли шаробдоридан сув сўради. Қатлағ шаробдор жангари ва шижоатли киши эди. У яхоб тўлатилган қадаҳни Аҳмаднинг қўлига тутди. Аҳмаднинг кўзи қадаҳдаги сув устида қалқиб турган хасга тушди ва Қатлағга деди:

«Қадаҳ юзида хасни кўра туриб, нечун менинг олдимга олиб келдинг?»

«Мен қадаҳни сизнинг ҳузурингизга олиб келаётганимда хас йўқ эди, ҳозир тушган бўлса керак», деб жавоб берди Қатлағ.

Аҳмад унинг узрини эътиборга олмади. Қатлағнинг бир кўзини ўйдилар. Аҳмаднинг бу қилмиши Қатлағнинг юрагида гина ва ғазабни вужудга келтирди. Бинобарин, у Аҳмадни ўлдириш учун қулай фурсат кутарди. Худди шу воқеа асносида Аҳмад Нишопурнинг катталари ва жасур кишиларини йиғиб деди: «Ромжузнинг Аъёшга қарши курашида нима учун унга ёрдам бермадиларинг? Аъёшни менинг накдиналарим ва онамни

Ўша кечаси шайх Оллодан мазкур бечораларнинг озод қи[ли]нишини илтижо қилди. Ҳақ-таоло унинг дуосини ижобат қи[л]ди.

Эртаси Ромжуз билан Қатлағ шаробдор турк жамоаси[ни] ўзларига ҳамроҳ олиб келиб тўсатдан Аҳмад ибн Абдулло[ни] ўлдирдилар. Аҳмаднинг давлат олови ўчди. Эртаси кун Ниш[о]пур аҳли Шайх Усмоннинг уйига борди, ҳар ким уни ўзига я[қин] тутар ва шайхнинг деворларидаги кесак ва тупроқлардан т[а]баррук деб олиб кетардилар. Шайх бу ғавғодан бош олиб қо[ч]ди. Шайхнинг уйини оёқости қилдилар.

Аҳмаднинг ҳаёсизлиги ва зулми натижасида авом халқ ша[йх] Усмоннинг кулбасини хароб қилди. Шайх Усмон ўзининг қо[л]ган умрини эски вайрона уйда ўтказди. Ўз уйини қайтадан об[од] қила олмади.

* * *

«Мулуки Ажам» тарихида келтиришларича, мамлакат шо[ҳ]ларидан бирининг одати шу эканки, шоҳлар тановул қиладиг[ан] баъзи бир хил таомларни авом халқнинг ейиши мумкин эма[с] экан. Агар авом халқдан бирортасининг ушбу таомлардан п[и]шириб еганини эшитса, у одамни ғоятда ранжитаркан.

Бир кун бир бозорчи шоҳнинг хос кишиларидан ҳарбий ки[]шини зиёфат қилди. Унинг олдига анвойи ноз-неъматлар[ни] ёзиб, зўр такаллуф ва эҳтиромлар кўрсатди. Шунингдек, по[д]шоҳга хос бўлган таомлардан ҳам дастурхонга муҳайё қилди.

Мазкур ҳарбий киши мезбоннинг уйидан чиқиб бориб, шоҳ[га] хабар етказди: «Бугун мен фалон одамнинг уйида бўлган эди[м]. У шундай таомлар тайёрлаб, шоҳона шўрвалар пиширдики, авом халқ уни ейишдан маҳрумдир. Менга сидқидилдан бўлга[н] ихлоси туфайли шоҳнинг фармони ҳақида ҳам ўйламади».

Шоҳ ўз фармонининг орқасига шуни илова қилди: «Сени[нг] бу насиҳатинг учун раҳмат айтамиз. У кишини эса махсус та[]омлар тайёрлагани учун эмас, балки кўрнамак, иғвогар ва би[]ровнинг тузини еб яна унинг ўзини ёмонлайдиган, яхшилик[ка] ёмонликни раво кўрадиган сендек бир одам билан ҳамтаба[қ] бўлгани учун маломат қиламиз...»

**(Давоми бор).**

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

---

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# «Ўзбек адабиёти» бошқотирмаси

**Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Мумтоз, мутафаккир шоир, хамсанавис. 2. Усмон Носир достони. 3. Минг йиллик тарихга эга достон. 4. Асарнинг кириш қисми. 5. Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романи қаҳрамони. 6. Ҳамид Олимжоннинг қўшиққа айланган шеъри. 7. Ўзбек халқ достони. 8. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи қаҳрамони. 9. Ўзбекистон халқ шоири, ғазалнавис. 10. Ғафур Ғуломнинг «Ёдгор» қиссаси қаҳрамони. 11. Шукур Холмирзаев романи. 12. Ёзувчи Ўктам Усмонов романи. 13. Уйғун драмаси. 14. Ўзбек мумтоз шоираси. 15. Мардлик, паҳлавонлик мазмунидаги халқ достони. 16. Ёзувчи Назир Сафаров романи. 17. Лутфий меросига мансуб «Гул ва Наврўз» достонидаги энага исми. 18. Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони қаҳрамони. 19. Омон Мухторов романи. 20. Қадимги қаҳрамонлик ва севги қиссаси номидан « ... ва Странгия». 21. Абдулла Орипов шеъри.



**Муаммонома**

**Очқич сўзлари**: 1. Хамсанавис, мутафаккир шоир, Алишер Навоийнинг устози — 13, 3, 10, 2, 9.
2. Мурод Муҳаммад Дўст романи — 5, 3, 5, 1, 14, 3, 12.
3. «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамони — 14, 11, 4, 2.
4. Эркин Воҳидов достони — 15, 2, 8, 3.
5. Бир байтдан иборат мустақил шеър — 16, 1, 12, 8.
6. Асарнинг ҳар бир қатори — 6, 1, 7, 12.

**Очқич сўзлари асосида ифодаланган ҳикматни билиб олиш билан муаммономани ҳал этинг.**

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.**

**Газетанинг шу йил 18 январь сонида берилган «Ш» ҳарфли кроссворднинг жавоблари:**

**Ёйлар бўйича:** 1. Шаҳрихон. 2. «Шайтанат». 21. «Шашмақом», «22. Шанбалик.

**Энига:** 7. Шакарак. 8. Шапарак. 9. Шарипов. 12. Шакар. 13. Шаҳар. 16. Шавла. 17. Шамол. 20. Шарофат. 23. Шоколад. 24. Шоликор.

**Бўйига:** 3. Шамоллаш. 4. Шабнам. 5. Шаввол. 6. Шакарпаз. 10. Шафтоли. 11. Шаҳодат. 14. Шамшаров. 15. Шоумаров. 18. Шамшод. 19. «Шаҳзод».

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Зеби. 2. Масал. 3. Жума. 4. Шер.

**Ҳикмат: Режали иш бузилмас.**




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
7587 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**